Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 4 oktabr, juma

№ 41 (24961)


Farg'ona haqiqati

ljtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

ҚЎҚОНДА

ФУРҚАТ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Қўқон шаҳридаги боғда Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатга ҳайкал ўрнатиш топшириғини берган эди. Кеча мамлакат зиёлилари, ёзувчи-шоирлари, вилоят аҳли вакиллари иштирокида буюк мутафаккир ҳайкали очилди.

Фурқат 1859 йилда Қўқонда туғилган. Мадраса таълимини олгач, 1876 йилда Янги Марғилон – Фарғона шаҳридаги тоғасиникида бир неча йил яшади, дўкондорлик билан шуғулланиш асносида, шеърлар ёза бошлайди. У 80-йилларнинг бошларида Қўқонга қайтиб, оила қуради ва ижодий иш билан шуғулланади.

1889 йилда Тошкент шаҳрига келган шоир бир муддат "Туркистон вилоятининг газети" таҳририятида ишлайди. Шу ерда "Илм хосияти", "Гимназия", "Виставка хусусида", "Акт мажлиси хусусида", "Тошкент шаҳрида бўлғон нағма базми хусусида" каби асарлари майдонга келади.

Фурқат 1891 йилнинг июлида Марв – Ашхобод – Боку – Батуми орқали Истанбулга боради. Бу шаҳардан Булғория ва Юнонистонга ўтади. 1892 йилнинг мартида Истанбулдан Саудия Арабистонига йўл олади. Маккада "Ҳажнома" асарини яратади. Ҳаж сафаридан сўнг Бомбей – Кашмир – Тибет орқали Шарқий Туркистонга бориб, Ёркентда турғун яшаб қолади. 1909 йилда шу шаҳарда вафот этади.

Фурқат ҳайкалининг тантанали очилиш тадбирида сўзга чиққан Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Хуршид Аҳмедов, Қўқон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов, таниқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Ҳожиматов Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Қўқонда Фурқат ҳайкалининг бунёд этилиши юртимизда адабиётга бўлган эътибор, ижодкорларга ғамхўрлик ифодасининг юксак намунаси эканини таъкидладилар.

Ҳайкалтарошлар Тўлаган Тошхўжаев ва Фарид Аҳмаджонов Фурқат сиймосини ёритишда унинг ҳаёти ва ижодидаги чизгиларга асосланишган. Ёзган асарлари билан халқига, адабиётга сидқидилдан хизмат қилган инсон каби мағрур, аммо кўзлари, қарашларида Ватан соғинчи, юрт тупроғига ташналик акс этган.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳайкали гулларга кўмилди. Бу шоир ижодига эъзоз, ватандошлик эътирофи эди.

Шу куни Ёркентдаги Фурқат қабридан олиб келинган тупроқ Қўқон шаҳрининг "Шайхон" қабристонидаги шоир рамзий қабрига қўйилди.

ФАРҒОНАДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ



Ўзбек адабиётига йирик сиймоларни етиштириб берган Фарғонада адабиёт байрами бошланди. Мамлакатнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари яна Қўқон шаҳрида йиғилдилар. Бу гал улар Жаҳон отин Увайсий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Фурқат ижодини тараннум этиш, Энахон Сиддиқова, Ҳабибулло Саидғанини хотирлаш, бир қатор ёзувчи-шоирларни муборак ёшлари билан қутлаш учун келишди.

Не-не анжуманларга шоҳид бўлган Қўқон театр биноси адабиётнинг асл мухлислари билан тўлди. Анжуманни Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Хуршид Аҳмедов очар экан, адабиёт халқ маънавиятини юксалтирувчи, тилини ривожлантирувчи, миллатни тарбияловчи қудратли восита эканлигини, бундан кейин ҳам устоз ва ёш ижодкорлар қўллаб-қувватланишини айтиб ўтди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Ҳожиматов ва бошқалар ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларини хотирлаш, бугунги кунда қизғин ижодий фаолият юритаётган шоир ва ёзувчиларни ардоқлаш юртимизда адабиётга бўлган эътибор, ижодкорларга ғамхўрлик ифодасининг юксак намунаси эканини айтиб ўтдилар.

Анжуманда улуғ алломалар, марҳум ижодкорлар билан бирга, бугун етук асарлар яратаётган Ҳамид Бурҳонов, Носир Зоҳидов, Каримабегим, Абдулатиф Муҳаммад каби шоир ва адиблар ҳақида эътироф сўзлари айтилди. Уларнинг таваллуд айёмлари билан табриклаб, совғалар топширилди.

Адабиёт байрами Фарғона, Марғилон шаҳарларида давом этади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

МЕҲНАТИ КАДР ТОПГАН УСТОЗ

2 бет

Терим машиналари пахтазорга қайтмоқда



Айни кунларда пахта далалари оқ либосга бурканган. Деҳқонлар ҳар кун, ҳар дақиқани ғанимат билиб, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилини тез ва сифатли йиғиштириб олиш ташвишида.

Сир эмас, мамлакатимизда пахта қўл меҳнати билан териб олинади. Бу эса кўп вақтни талаб қилади, тиғиз дамларда кўпчиликнинг кучи керак бўлади. Бир неча йиллар аввал пахта теримида талабалардан тортиб, ижтимоий соҳалар ходимларигача мажбурий меҳнатга жалб қилинарди. Эндиликда фермеру, кластер пахтани терим машиналари орқали йиғиштириб олиш ҳаракатида. Бу йил ана шундай техникалар пахтазор оралаб қолди.

Олтиариқ туманидаги "Исмоил Нозимобод файз" фермер хўжалиги 30 гектар майдонда пахта етиштирди. 130 тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Шу мақсадда биринчилардан бўлиб, пахта териш машинасидан фойдаланилди.

– Ижарага олинган "John deere" русумли терим машинаси бизга катта ёрдам бўлди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Козимжон Мадраҳимов. – Кунига 10 гектардан майдондаги пахтани йиғиштириб олдик. Энг асосийси, сифати юқори.

"Нурли обод" фермер хўжалигида жорий йилда 111 гектар ерга чигитнинг "Наманган-77" нави экилди.

– Хўжалигимиз бўйича 550 тонна пахта хомашёсини йиғиб-териб олишни ният қилганмиз. 30 гектар майдондаги пахта қўл кучи ёрдамида териб олинди. Буёғи Хитой давлатидан сотиб олинган пахта териш машинасидан фойдаланяпмиз. Бу техника ҳосилни тоза йиғиб олади, харажатлари анча арзон. Мавсумий теримчиларга 1 килограмм пахта учун 1500 сўмдан тўлаган бўлсак, машинада йиғиб олинган пахтанинг 1 килограмми 400 сўмга тўғри келяпти. Агар пахта майдони машина терими учун агротехник талаблар даражасида тайёрланган бўлса, иш унумдорлигини ошади, – дейди фермер хўжалик раҳбари Нурилло Неъматов.

Шунингдек, "Марям Матёқубова" фермер хўжалигининг 30 гектар майдонидаги ҳосил ҳам "John deere" ёрдамида териб олинди.

Терим машиналарининг яна пахтазорларга қайтгани деҳқонларга мадад бўлиш баробарида, кузги шудгорлаш ишларини ўз вақтида бажарилишига имконият яратмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЛИМИТИ:

КИМ ҚАНДАЙ ФИКРДА?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йи 16 апрелдаги "Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан шу йил ёқилғи-энергетика ресурсларининг 2024–2025 йилларда босқичма-босқич ўзгарадиган янги нархлари ҳамда 2024 йил 1 майдан бошлаб аҳоли учун электр энергияси ва табиий газ бир ойлик истеъмолининг базавий меъёрлари тасдиқланди.

Ижтимоий норма бўйича электр энергияси тоифадаги шахслар ва оилалардан ташқари, маиший истеъмолчилар учун бир ойга 200 киловаттгача 450 сўм, 1000 киловаттгача 900 сўм этиб белгиланди. Истеъмол ошгани сари унинг нархи ҳам ортиб бориши жорий этилди. Яъни, электр энергияси учун эндиликда ҳамма бир хил тарифда эмас, балки ҳар ким фойдаланганига қараб тўлов қиладиган бўлди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, энергия истеъмолининг ижтимоий нормаси деганда, аҳоли томонидан сотиб олишда имтиёзли тариф қўлланиладиган энергия тушунилади. Энергия маълум бир меъёргача нисбатан паст (имтиёзли) ва бу меъёрдан юқори истеъмол учун бозор нархларида сотилади.

Мана бир неча ойки, юртдошларимиз ўртасида электр ва газ лимитлари бўйича баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Кимдир ижтимоий норма аҳолини тежамкорликка ундаётгани ҳақида гапирса, бошқаси электр энергиясига бўлган эҳтиёж 200 киловаттдан юқори экани, айниқса, кўп оилали хонадонлар учун жуда камлиги, куз-қиш мавсумида бу эҳтиёж янада ошишини айтиб, эътироз билдиряпти.

(Давоми 2-бетда)



2-бет

УЧИНЧИ ЖАҲОН

УРУШИ БОШЛАНДИ (МИ?)

(3-мақола)

Янги ўқув йили бошланди, муаммолар ҳам...

Талабалар сони ортмоқда, ЁТОҚХОНАЛАР-ЧИ?



Янги ўқув йилининг бошланиши нафақат умумий ўрта таълим тизимида, балки олий таълим муассасаларида ҳам ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Талабаликни олтин даврга қиёслашади. Аммо бу даврнинг ўзига хос муаммоларини талаба бўлгандан сўнг яхшироқ англайсиз.

Нафиса 2-босқич талабаси. У шартнома асосида олий таълим муассасасига ўқишга кирди. Узоқ туманда яшаши боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосон, ётоқхонадан жой олиш учун онлайн шаклда ариза берди. Аммо давлат олий таълим муассасаларининг талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти талабларининг бир неча қисми аризасини қондиришга тўғри келмагани учун рад жавобини олди. Шунинг учун ўқиш бошланишидан 10-15 кун олдин олийгоҳ манзилидан яқинроқ жойдан ижарага хонадон топиш мақсадида вилоят марказига келди. Шундай қилмаса, тез кунда ўзи каби турар жой қидирган талабалар кўпайиб қолади, қайтанга ижара нархи ошиб кетиши мумкин.

Бу каби ташвишлар талабалар ва уларнинг ота-оналари учун ҳар йили такрорланиб турадиган ҳолатга айланиб қолган. Кимдир бундай вазиятни "ширин ташвиш"га йўйса, бошқаси биринчи навбатда ижарага уй топиш ёки талаба-лар турар жойига эга бўлишни муҳим ҳисоблайди.

Вилоятимиздаги нуфузи баланд олийгоҳлардан бири ҳисобланган Фарғона давлат университетида бу йил 28 минг 800 нафар талаба таҳсил олмоқда. Улардан 11 минг нафари сиртқи шаклда, қолгани кундузги таълим тизимида ўқишмоқда. Талабалар учун 10 та турар жойлар мавжуд бўлиб, 2 таси давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган. Умумий сиғими 4000 тани ташкил қилади. Ҳозирда 3800 нафар талабалар мазкур ётоқхоналарга жойлашган. Шундан ҳам билиш мумкинки, олийгоҳ талабаларининг аксарият қисми ижарада туради.

– Дастлаб имтиёз ва устуворликларга эга талабгорлар талабалар турар жойига қабул қилинди. Сўнгра умумий рўйхатдаги 1-босқич талабалари учун 55 – 65 фоиз, 2-босқичларга 15 – 20 фоиз, 3- ва ундан юқори босқичлар учун 20 – 25 фоизгача ўринлар тақсимланди, – дейди университетнинг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ойбек Эркабоев.

Унинг айтишича, турар жойларда барча шарт-шароитлар яратилган. Аммо баъзи талабалар ётоқхоналардан кўра, ижарада туришни афзал билишмоқда. Сабаби, бу ерлардаги тартиб-интизом қатъий. Биргина мисол, ёшларнинг кечки вақтларда ташқарига – кўча-кўйга чиқишларига йўл қўйилмайди.

Давоми 3-бетда

ЭЪТИРОФ



МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПГАН УСТОЗ

Нигорахон мактабни аъло баҳоларга тугаллаб, Фарғона давлат университети қошидаги академик лицейда, сўнгра Фарғона давлат университетининг табиий фанлар факультети кимё йўналишида таълим олди.

Кимё фанига қизиққан, фанни чуқур ўрганишга киришган талабанинг билими, фанга оид мавзуларни чуқур ўзлаштириши Фотима Тошбекова, Юлдуз Даврикова, Солижон Ўрмонов, Фотимахон Мусохонова каби устозлари эътиборига тушди. Олийгоҳни муваффақиятли тамомлаган ёш педагог ўзи таълим олган мактабда иш бошлади. Шунга ҳам 20 йилдан ошди.

Нигорахоннинг саъй-ҳаракатлари беиз кетмади. Ундан билим олган ўқувчилар фан олимпиадаларининг вилоят босқичида совриндорлар қаторидан жой олишади. Шогирдлари орасида кимё фани ўқитувчиси, шифокор бўлиб етишганлар ҳам бор. Бу устозни жуда қувонтиради.

2022-2023 ўқув йилда Қувасой шаҳрида Президент мактаблари ҳузуридаги ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Олий тоифали ўқитувчи Нигорахон имтиҳонлардан юқори кўрсаткич билан ўтди. Айни пайтда мазкур таълим даргоҳида фаолиятини давом эттиряпти. У ўз фани доирасида миллий сертификатга эга. Ўқитувчилар ва ўқувчиларни халқаро GRE имтиҳонларига тайёрловчи қўлланма устида ишлаяпти.

Нигорахон Парпиева бу йилги касб байрамини катта хурсандчилик билан кутиб олди. У давлатимиз раҳбарининг "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

– Юртбошимизнинг ишончи зиммамга катта масъулият юклайди. Ёш авлодни билимли, шижоатли қилиб тарбиялаш йўлидаги фаолиятимда катта рағбат бўлди, – дейди у.

Озодабону РУСТАМОВА.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЛИМИТИ:

КИМ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

(Бошланиши 1-бетда).



Қувасой шаҳрида яшовчи Озодбек Раҳмоновнинг айтишича, хонадони кўп оилали, электр энергиясини ҳисоблагич битта. Истеъмол ойлик меъёрдан ошиб кетаётгани учун тўлов ҳам юқори.

– Оиламизда учта рўзғор, 10 жон яшаймиз. Олдинлари ойига 120-150 минг сўмдан тўлар эдик. Ҳозир эса 300 минг сўмдан ошириб тўлаяпмиз. Нарх бир хил бўлса, фойдаланганимизга яраша ҳақ тўлаганимиз яхши эди.

– Шу кунгача ҳам электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаб келаётган эдик, – дейди Марғилон шаҳрида яшовчи Одинахон Солиева. – Бир ойда 280 киловатт электр энергиясидан фойдаланар эканмиз. Тўловимиз миқдори ошгани сезилди, нима ҳам дердик, тўлаяпмиз.

Ёзнинг жазирама кунларида халқ орасида ижтимоий норма ва белгиланган лимитга нисбатан эътирозлар ортгани бор гап. Бу кунларнинг одатдагидан исиши сабабли одамларнинг хонадонида совутиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан ҳам боғлиқ. Айрим фойдаланувчилар эса бу лимит нафақат эҳтиёж ортган вақтларда, балки одатий кунларда ҳам жуда оз эканини таъкидлашди.

Аммо белгиланган норма аҳолини бир мунча тежамкорликка ҳам ундади.

– Коммунал тўловларни ўғлим тўлайди. Ёз бўйи иккита ҳаво совутгичнинг фақат биттасидан фойдаландик. Ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка наф, – дейди Бувайда туманида яшовчи Орзу ая Қодирова.

Азалдан кексалар ёшларни тежамкорликка чорлаб туришади. Бу табиий неъматларга оқилона муносабатда бўлиш, уларни беҳуда исроф қилмаслик, экология мусаффолигини таъминлаш каби омиллар билан боғлиқ.

– Электр ва газ катта бойлик. Тежаб ишлатса, кўпга етади. Мана, тўловларни вақтида амалга ошираётганимиз учун ҳам муаммо бўлмаяпти, – дейди Орзу аянинг ён қўшниси Адолатхон Келдиева. – Лекин, олдинда қиш қиличини яланғочлаб келяпти...

Аслида дунёнинг қатор мамлакатларида электр энергияси ва газ истеъмоли бўйича ижтимоий норма тажрибаси оммалашган. Буни хорижда бўлиб турган юртдошларимиз яхши билишади.

Тошлоқ туманида истиқомат қилувчи Одина опа Асқарова билан гаплашганимда, хонадонидаги ойлик электр энергияси истеъмоли бир ойда 100 киловаттдан ошмаслигини айтди. Холодильник, телевизор бор. Аммо қишда табиий газ яхши етиб келмагани боис, бу оила электр иситгичлардан фойдаланишини, бу эса ойлик истъмолнинг ортишини таъкидлади.

Жойларда мавзу бўйича аҳоли вакиллари билан суҳбатлашганимизда, кўплаб оилалар лимитга етмайдиган электр энергиясини истеъмол қилишини маълум қилди. Айрим шахслар эса бир ойда қанча киловатт электр энергиясидан фойдаланишларини билишмади ҳам.

– Ҳеч қизиқиб кўрмаган эканман, ойига 150-200 минг сўмдан тўлов қилиб борамиз. Доимо ҳақдор бўламиз, бу ойдан ортгани кейинги ойга сурилиб кетаверади-да, – дейди бувайдалик Икромжон ота Ёқубов.

– Бир ойда 140 киловатт электр энергиясидан фойдаланамиз. Олдиндан тўлаб борганимиз учун ҳам ҳеч қандай муаммо бўлгани йўқ, – дейди Фарғона шаҳрилик Баҳодир Абдуллаев.

Бувайда тумани марказида жойлашган дорихона раҳбари, якка тартибдаги тадбиркор Дилмурод Юлдашев ижара шартномаси асосида фаолият юритади.

– Электр энергияси нархининг ошгани ва маълум лимит белгиланганлиги сабабли ижара шартномасида кўрсатилган нархга 900 минг сўм қўшилди. Электр энергиясини тежаш учун ёз бўйи кондиционер ва электр чойнакдан фойдаланмадик. Лекин дорилар учун иккита музлаткич ишлаб турибди, – дейди у.

Электр энергияси ҳам давлат бойлиги. Уни сарфлашда исрофгарчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, айрим хонадонларда тун бўйи 3-4 талаб чироқлар ёниқ қолдирилади. "Пулини тўлаяпмизда", дейишлари мумкин. Аммо шу каби ҳолатлар сабаб, аллақайси хонадонларда электр қуввати жуда паст ёки тез-тез ўчиб туради. Айниқса, қиш кунлари табиий газ етиб бормаган хонадонларда электр иситгичлардан кенг фойдалананилиши жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳаво тафти пасайди, табиийки, кузқиш мавсумида ҳам аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ортади ва истеъмол меъёридан ошиб кетиши юзага келади. Бундай ҳолатлар учун ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд аҳолига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш ҳам белгилаб қўйилган.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги "Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, ноябрь-февраль ойларида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилалар, болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар, шунингдек, ягона реестрга киритилмаган, "маҳалла еттилиги" хулосаси асосида аниқланадиган қўшимча эҳтиёжманд оилаларнинг ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 150 кВт соатгача бўлган электр энергияси ва 250 куб метргача бўлган табиий газ учун вақтинча компенсация тўлаб берилади. Бу Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан амалга оширилади. Бунда "маҳалла еттилиги" шакллантирган қўшимча рўйхатдаги эҳтиёжманд оилалар сони тегишли маҳалладаги ягона реестрга киритилган оилалар сонининг 15 фоизидан ошмаслиги керак. Тақдим этилган қўшимча рўйхат ва Ягона реестрга киритилган оилалардан иборат компенсация олувчи эҳтиёжманд оилалар рўйхати "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан 1 ноябрга қадар шакллантирилади, – дейди "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази Фарғона вилоят бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Давлат Полвонов.

"Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ахборот хизмати раҳбари Абдувоҳид Турдиевнинг берган маълумотларига қараганда, вилоятимизда жами 917248 нафар электр энергияси истеъмолчилари мавжуд бўлиб, 860062 таси жисмоний, 57186 таси улгуржи истеъмолчилардир. Бир кунлик электр энергияси истеъмоли 15 миллион 900 минг кВт/соатни ташкил этади. Аҳолининг 70 фоизи фойдаланаётган электр энергияси ойига 200 киловаттга етмайди.

Хулосамиз шуки, белгиланган норма аҳоли учун у қадар муаммо эмас. Балки юртдошларимизни халқ бойлигидан тежаб-тергаб фойдаланишга ундамоқда.

Маҳиёра БОЙБОБОЕВА.

ЁЗУВЧИ НОСИР ЗОҲИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

ОСОНЛИК БИЛАН ЁЗМАЙДИГАН ёзувчи



Носир Зоҳидовни саксонинчи йиллардан буён яхши биламан. Ўша пайтларда адибнинг шеърлари, ҳикоя, ҳажвиялари маҳаллий ва республика нашрларида чоп этилиб турилларди. Кейинчалик бу шеърлар "Тазарру" номи билан китобхонлар қўлига етиб борди. Тўпламдан бармоқ вазнда битилган шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар ўрин олган. Уларга кўз югуртирарканман, ҳар бир шеър илҳом билан самимий битилганига гувоҳ бўлдим. Чунончи, шоир мактаб остонасига илк бор қадам қўяётган болакайга бағишлаб ёзган шеърида шундай дейди:

Болажон, мен сени кўрдим тонг пайти
Гўё кабутардек учиб боряпсан.
Боғчангда ёд олган шеърларинг айтиб,
Ажиб гулдастангни қучиб боряпсан.

Бунчалар маъсумсан, бунчалар ширин,
Шўх-шўх боқишларинг тонгдек беғубор.
Мурғак дилгинангда нелар яширин,
Қай бир истеъдоднинг оташ чўғи бор.

Улуғ даргоҳ томон ошиқяпсан, бас,
Қутлуғ оёғингдан сачратиб учқун.
Сенинг қувончингдан устун бўлолмас
Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун...

Носир Зоҳидов форс-тожик тилидан яхшигина хабардор. У мумтоз адабиётимизнинг билимдонларидан. Адиб билан Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий шеърияти ҳақида соатлаб баҳс-мунозара қилган пайтларимизни кўп эслайман. Ўзи ҳам ғазалнавис бўлган шоирнинг тўпламида шундай сатрлар бор:

Офтоб бергил ўзинг, ул офтобимдин дарак,
Унга ҳам еткуз доғи тортган азобимдин дарак.

Гул юзини тушда кўрмоқ орзу қилдим ва лек,
Бўлмади то тонгача кўзларга ҳобимдин дарак.
Хублар юлдуз каби теграмда тўлгандин не наф,
Бўлмагач кўнглим чароғи – моҳитобимдин дарак.

Ёки

Бермам ўзима оро девоналигимдандир,
Кезсам кўчада танҳо мастоналигимдандир.
Ишқимни баёнига сўз топмасам, эй дилбар,
Айб айлама ҳуснингга ҳайроналигимдандир.
Тегрангда урарман чарх, меҳринг ўтида ёндир,
Қочмаслигим оташда парвоналигимдандир.

Носир Зоҳидов ижодий фаолияти давомида ўзбек адабиётининг мумтоз вакиллари ва замондош шоирлар ғазалларига мухаммас боғлаган. Бу – ижодкордан юксак масъулият ва истеъдод талаб қилади. Бирор шоирнинг ғазалига боғланган мухаммас байтлар мазмунини тўлдириши, бойитиши даркор. Адибнинг ўтмиш ва ҳозирги замон шоирлари ғазалларига боғлаган мухаммасларини намуна сифатида келтириб ўтиш ўринлидир. Жумладан, Муқимийнинг "Бормукин" номли ғазалига боғланган мухаммас:

Аҳли ишқ ичра ўзимдек бағри сўзон бормукин,
Васл умидин дилда соқлаб чашми гирён бормукин,
Ошиғинг кўп, лек менингдек зору нолон бормикин,
Боғ аро ҳам сен каби сарви хиромон бормикин,
Юзлари гул, сочи сунбул хатти райҳон бормикин.

Ўтга тушган қил масаллик жисмим узра печу топ,
Дилдан оромим йўқолди кўзларимдан кетди ҳоб,
Тири мужгони етурган заҳмидин ҳолим хароб,
Эй ҳакими, мудаи қилғил жавоби босавоб,
Ишқнинг дардига ҳам дору-ю дармон бормикин.

Эркин Воҳидовнинг "Бир қадам" номли ғазалига боғланган мухаммас:

Куйламоқ учун васфи ҳуснинг қўлга олдим соз, кел,
Айлайин изҳори дардим дилда кўпдир роз, кел,
Интизорлик ҳаддин ошди, қилмайин кўп ноз, кел,
Кўзларимнинг нури бўлди йўлга пойандоз, кел,
Сен қасам ичдингми ё деб қўймам асло бир қадам.

Кутгали ёрингни Носир, суръат айлаб йўлга чиқ,
Жону кўнглингни бағишлаб, ҳиммат айлаб йўлга чиқ,
Сезмасин ағёр ҳаргиз, фурсат айлаб йўлга чиқ,
Бас шикоят қилма, Эркин, журъат айлаб йўлга чиқ,
Сенга бир одим Самарқанд, сўнг Бухоро бир қадам.

Носир Зоҳидов табиатан ҳазил-мутойибага ўч, ҳозиржавоб, бу унинг ҳажвий шеърлари, ғазаллари ҳикояларида ҳам ўз аксини топган.

2000 йиллар арафасида адибнинг "Қасос" киссаси матбуотда эълон қилина бошлади ва газетхонлар асарнинг давомини сабрсизлик билан кутадиган бўлишди. Қисса 2001 йилда "Шарқ" нашриётида китоб ҳолида босмадан чиқди. 2004 йилда эса адибнинг "Йигит йиғламасин дунёда" номли асари чоп этилди. Қувонарлиси, бу китоб тўрт маротаба қайта нашр қилинди. Яқин йиллар орасида Носир Зоҳидов "Аросат", "Ишқ можароси", "Шаҳар кўрган қиз" қиссаларини китобхонларга тақдим этди.

Адибнинг илк романи – "Надомат" унга анча шуҳрат келтирди. Унда саёҳат баҳонасида Америкага бориб, ўша ерда бутунлай қолишни ихтиёр этган икки ўзбек аёли – Сурайё ва Ойишаларнинг тақдири, изтироблари, ўй-кечинмалари қаламга олинган. Романнинг тили равон.

Ёзувчининг ижоди билан яқиндан таниш бўлган ўқувчи адиб асарини ниҳоятда осонлик билан ёзган бўлса керак, деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Бу – ёзувчининг китобхон қалбига етиб борадиган содда тилда, бадиий маҳорат билан ёзганлигида.

Носир Зоҳидов серқирра ижодкор, унинг публицистик мақолаларни ўз ичига олган "Одамкушлар" китоби, "Ашрақат асрори" илмий рисоласи, "Мухйи Муқимийнинг душмани эдими?" мақоласи ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Рустамжон ТОЖИБОЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

УЧИНЧИ ЖАҲОН



УРУШИ БОШЛАНДИ (МИЙ?)

Курраи заминимиз таҳлика остида. Бир ёқда Россия – Украина уруши ва бу қирғинбаротга Америка, Европа давлатлари, НАТО блокининг аралашуви, бир томонда Исроилнинг Фаластин, Ғазо сектори, Ғарбий Соҳил, Ливан, Яманга ҳужумлари дунё одамларини ташвишга солаётган бўлса, энди Эрон ва Исроил ўртасидаги можаро учинчи жаҳон уруши бошланишидан дарак бермоқда. Агар бу рўй берса, она замин шундай жаҳаннамга айланадики, ақлбовар қилмас ҳалокатлар келиб чиқади.

Жаҳон оммавий ахборот агентликлари хабарига кўра, 1 октябрь куни Эрон Исроилга қарши йирик ракета ҳужумини бошлади. Мамлакат расмийлари мазкур ҳужум Исроил шимолий чегараси орқали Ливанга Эрон томонидан қўллаб-қувватланадиган "Ҳизбуллоҳ"ни нишонга олган қуруқликдаги операциядан кейин содир бўлгани ҳамда Теҳронда ҲАМАС етакчиси Исмоил Хония ва Байрутда "Ҳизбуллоҳ" ҳаракати раҳбари Ҳасан Насруллоҳнинг ўлдирилгани учун қасос эканини маълум қилди.

Баёнотда айтилишича, Исроилга отилган ракеталарнинг камида 90 фоизи нишонга етган. Баллистик ракеталарнинг бир қисми "Темир гумбаз" ҳаво мудофаа тизимидан ўтиб, яҳудийлар ҳудудини, шу жумладан, иккита ҳаво базаси бутунлай вайрон қилган.

Эрон Президенти Масъуд Пезешкиён мамлакат манфаатлари ва фуқароларини ҳимоя қилиш учун Исроилга баллистик ракеталар орқали зарба берилганини айтиб ўтди. "Бу ҳаракат Эрон манфаатлари ва фуқароларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Нетаньяхуга Эрон урушқоқ эмаслигини, лекин у ҳар қандай таҳдидга қатъий қарши туришини билдириш учун. Эрон билан зиддиятга тушманг", деб ёзади у ўзининг Х'даги саҳифасида.

Исроилнинг "The Jerusalem post" газетасининг ёзишича, мамлакатга 500 га яқин ракета учирилган. Лекин бу маълумотлар ҳали расман ўз тасдиғини топмаган. Бу тарихдаги энг йирик ҳужумдир.

Ўз навбатида, Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху Исроил телевидениеси орқали эфирга узатилган мурожаатида Эроннинг йирик ракета ҳужумини "катта хато" деб атади ва Теҳронга "оғирқли жавоб" берилишини айтди.

Исроилнинг "Ynet" портали хабарига кўра, Цахал (Исроил армияси) яқин кунларда бутун Яқин Шарқ бўйлаб кучли зарба беради.

Эрон ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Сайид Аббос Арагчи мамлакат ҳарбий кучлари Исроил томонидан бўладиган эҳтимолий жавоб ҳужумларига тайёрлигини билдирган.

"Биз БМТ Низомининг 51-моддасига асосан, Ғазо ва Ливандаги геноцид учун масъул бўлган ҳарбий объектларни нишонга олиб, ўзимизни ҳимоя этдик. Биз Ғазода ўт очишни тўхтатиш учун етарли бўлган муддат – қарийб икки ой давомида катта вазминлик кўрсатганимиздан кейин шундай қилдик. Агар Исроил режими кейинги жавоб чораларига қўл урмаса, бизнинг ҳаракатимиз якунланади. Акс ҳолда эса, бизнинг жавобимиз кучлироқ ва қаттиқроқ бўлади", – дея баёнот берди вазир.

"Эртага нима бўлади?", "Дунё ядровий уруш бўсағасидами?", "Агар атомлар портласа, миллонлаб бегуноҳ инсонларнинг ҳалок бўлиши тайин, Ер планетаси-чи, у қандай кўргуликларга дучор бўлади?" Бу каби саволларга ҳеч ким аниқ жавоб беролмай қолди.

Яратганнинг ўзи асрасин!

Рустам ОРИПОВ.

(3-мақола)

Янги ўқув йили бошланди, муаммолар ҳам...

Талабалар сони ортмоқда, ЁТОҚХОНАЛАР-ЧИ?



1-бет

Дарвоқе, ҳозирда барча олий таълим муассасаларида ётоқхона билан таъминланмаган талабалар учун ҳам бир қанча имтиёз ва шароитлар яратилмоқда. Хусусан, 2021 йил 1 майдан бошлаб, ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Албатта, бу имтиёзнинг ўзига яраша талаблари бор.

Маълум бўлишича, университетда келгуси йилда давлат-хусусий шериклик асосида яна бир турар жой бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Натижада 800 нафар талабанинг ётоқ масаласи ижобий ҳал этилади.

Биз талабалар билан мавзу бўйича суҳбатлашганимизда, улардан баъзилари ётоқхоналардаги “чеклов”лар гўё уларнинг маълум “эркинлик”ларига тўсқинлик қилаётганини айтиб ўтишди. Жумладан, кечки соат 22:00 дан кейин талабаларнинг сабабсиз кўчага чиқишига рухсат берилмаётганини рўкач қилишди. Бу тартибни “чеклов” дейиш қанчалик тўғри?! Ҳатто умумий фойдаланишдаги ошхона, кир ювиш ва ювиниш хонасида озгина навбат кутишни ҳам “эркинлик”ка тўсиқ деб билаётган ёшларнинг сўзларини эшитиб, ҳайратландик.

Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро университети ташкил этилганига икки йил бўди. Ҳозирда олийгоҳ талабалари сони 800 нафарга етди. Лекин талабалар турар жой билан таъминланмагани боис, яшаш манзили яқин ҳисобланган ёшлар қатнаб ўқиётган бўлса, аксарияти яқин атрофдаги хонадонлардан бошпана топишган. Уларнинг ижарадаги турар жойларида шароитлар яратиш ва хавфсизлигини таъминлаш яна бир муаммолигича қолмоқда.

– Ўқув жараёнлари билан боғлиқ харажатлардан ташқари, маъқул нархда ижарага уй топиш, унинг ойлик ҳақини тўлаш, йўл кира – бизнинг доимий муаммомиз бўлиб қолган, – дейди Қашқадарё вилоятидан келган Фирдавс Усмонов. – Бу ташвишлар бор эътиборимизни ўқишга қаратишимизга халақит беряпти. Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, қандай қилиб университетга яқин ва арзонроқ жой топиш ҳақида кўп ўйлаймиз.

Олий таълим муассасаси проректори Фахриддин Юлдашевнинг айтишича, шу кунларда университет яқинидаги 4 қаватли меҳмонхонанинг 200 ўринга эга икки қавати давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойига ажратилиши кутилмоқда. Шунда ҳам яна 400-500 нафар талабанинг ижарада туришига тўғри келади.

Фарғона политехника институти тасарруфидаги 6 та талабалар ётоқхонасида 1909 нафар, 2 та давлат-хусусий шериклик асосидаги турар жойда 900 нафар ёшлар яшайди. Таҳсил олаётган талабалар 15 минг 499 нафарни ташкил этишини ҳисобга олсак, бу олийгоҳнинг ҳам энг катта муаммоси ётоқхона масаласидир. Мутасаддилар бизга келаси ўқув йилда давлат-хусусий шериклик асосида 400 ўринли ётоқхона қурилиши режалаштирилаётганини айтиб ўтишди.

Институтда талабаларни яқин ҳудудда жойлашган кўп қаватли уйлардаги хонадонларга ижара асосида жойлаштириш бўйича штаб ташкил қилинган бўлиб, маълумотлар расмий веб-сайт орқали эълон қилиб борилмоқда.

–"Ijara.edu.uz" электрон платформаси орқали ҳар бир ҳудуд бўйича талабаларни ижарага қўядиган хонадонлар базаси шакллантирилган бўлиб, уларда манзил, нарх, шароит, уй эгаси ҳақида маълумотлар жойлаштирилган. Албатта, ёшларни ўз ҳолича қолдириб бўлмайди. Шунинг учун тюторлар талабаларнинг ижарада яшашларини назорат қилиш бўйича масъул этиб бириктирилган, – дейди институтнинг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Бахтиёржон Саидаҳмедов.

Дилбархон Ҳамроқулова Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида талабалар турар жойларининг фаолияти учун жавобгар. У олийгоҳда 4980 нафар талаба бакалавр босқичида таҳсил олишини, мавжуд ётоқхоналар эҳтиёжнинг 920 дан ортиғини қоплаётганини таъкидлади.

– Ётоқхона, аввало, имтиёзи борларга бериляпти. Янги ўқув йил олдидан яқин атрофдан уй қидирдим. Шароити яхши бўлмаса ҳам 4 нафар гуруҳдошим билан тўлови арзон уй топдик. Битта хона биз учун ҳам ётоқ, ҳам овқатланиш, дарс тайёрлаш жойи. Салкам бир соатлик йўлни пиёда босиб ўтамиз, яхши томони – ётоқхонадаги каби шовқин эмас, – дейди наманганлик талаба Самандар Турдалиев.

Талабалар билан суҳбатлашиш давомида уларнинг кўплари ижарадаги уйнинг шароитидан кўра, тўлови арзонлиги муҳимлигини тилга олишди. Шу боис, ҳамёнбоп нархдаги уйларни излашмоқда.

Институтнинг 3-ётоқхонасида турадиган Асалхон Олимжонованинг айтишича, ётоқхонада яшаш жуда кўп афзалликларга эга. Биринчидан, шароитлар яхши, ўқув биноларига пиёда борилади. Бепул WiFi дан бемалол фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, тўлови арзон. Коммунал хизматларга пул тўланмайди, кундалик транспорт харажати ҳақида ўйламайсиз.

Ҳа, талабалар сони йилдан-йилга ошиб бориши баробарида, уларни турар жой билан таъминлаш масаласи жиддий “бошқотирма”га айланиб бормоқда. Бизнинг ўрганишларимиз давомида маълум бўлдики, вилоятимиз бўйича эҳтиёжманд талабаларни тўлиқ ётоқхона билан таъминлаган бирорта ҳам олий таълим муассасаси йўқ. Давлат-хусусий шериклик асосида масала бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилаётганига қарамай, жараён секин кетяпти. Бу эса соҳада ҳали бир-бирига боғлиқ муаммолар кўплигини кўрсатмоқда.

Муаттар МАҲМУДОВА.

“ЖЎЖА БОҚИБ, даромадли бўлдик”



Қувасой шаҳридаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида асосий даромади томорқачилик, чорвачилик ва паррандачиликдан бўлган 3260 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳалол меҳнат ортидан рўзғорлари бут, эртанги кунидан кўнгиллари тўқ.

Шу йил бошида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров маҳаллада бўлиб, аҳоли турмуш тарзи, яшаш шароитини ўрганди. Шунингдек, ҳудудда жойлашган “Қувасой наслли парранда” МЧЖда инновацион технологияларни кенгайтириш орқали маҳсулот ҳажмини ошириш ҳамда



хорижий бозорларга кириб бориш мақсадида барпо этилаётган, паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплекс билан танишди. Товуқларни хонадонларда боқишни йўлга қўйиш орқали аҳолини банд қилиш ташаббусини илгари сурди. “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғиёжон Исаев.

Бу эзгу иш халқимизнинг турмуши фаровон, бозорларимизни тўкин бўлишига олиб келишига шак-шубҳа йўқ.

М.УСМОНАЛИЕВА.

вазифалар белгилаб берилди.

Шундан сўнг эҳтиёжманд аҳолига корхона томонидан 160 бошдан жўжа ва 30 килограммдан махсус ем берилди. Корхона ветеринари тез-тез хонадонларда бўлиб, паррандаларни тўғри парваришлаш ҳақида кўрсатмалар бериб турди.

– Талаблар асосида жой тайёрлаб, жўжаларни парваришладик, – дейди Бешариқ кўчасида яшовчи Асилбек Тошболтаев. – Паррандага меҳримиз баланд бўлгани боис, бу ишни дадам иккимиз уддаладик. Гўштининг бир килограммини 28 минг сўмдан корхонага сотдик. Жўжа боқиб даромадли бўлдик. Жамғарган маблағимизга қўшиб, қорамол сотиб олдик. Сут-қатиқ бемалол бўлиб қолди.

Машаққат билан бўлса-да, жўжа парваришлаган оилалар кам бўлмади, даромадига иссиқхона қурди, уй-жойини таъмирлади, тўйга атади. Демак, эзгу ташаббус кутилган натижани берди, тажриба кенгайтириладиган бўлди. Кузги мавсумда маҳалладаги 25 та хонадонга парваришлаш учун парранда берилиши режалаштириляпти.

– Айни пайтда товуқ боқишга иштиёқманд бўлган аҳоли вакиллари бизга мурожаат этишмоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғиёжон Исаев.

Бу эзгу иш халқимизнинг турмуши фаровон, бозорларимизни тўкин бўлишига олиб келишига шак-шубҳа йўқ.

М.УСМОНАЛИЕВА.

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ҚАЙСИЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?


Туркий тиллар деганда, Сибирдан Болқон ярим оролигача бир чизиқ бўйлаб чўзилган улкан географик ҳудудда тарқалган ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, саха (ёқут), тува, хакас, олтой, карагас, шор, туркман, озарбайжон, турк, гагауз, татар, бошқирд, чуваш, қўмиқ, нўғай, қорачойболқор, тофалар каби 25 дан ортиқ тил тушунилади.

Ҳозирги тарқалиш географиясига кўра, қуйидаги минтақаларга ажратилади: Ўрта ва Жанубий-Шарқий Осиё, Жанубий ва Ғарбий Сибирь, Волга-Кама ҳавзаси, Шимолий Кавказ, Закавказье ва Қора денгиз бўйи. Туркий тилларнинг генетик, лисоний хусусиятлар жиҳатидан ўзаро муносабати масаласига қизиқиш жуда қадимдан давом этиб келади.

Буюк мутафаккир Маҳмуд Қошғарий туркий тилларни биринчи марта таснифқилган. Кейинчалик кўп олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган бўлиб, таснифлар методи, олдига қўйган мақсади нуқтаи назаридан хилма-хилдир. Шунинг учун бу таснифларнинг бирида бирон-бир гуруҳга мансуб деб ҳисобланган тил иккинчисида бошқа бир гуруҳга тушиб қолиши мумкин.

Туркий тилларни таснифқилишнинг ўзига хос қийин томонлари бор. Бу қийинчилик, аввало, уларнинг ўзаро фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан яқинлигида. Иккинчидан, алоҳида олинган ҳар бир туркий халқнинг таркиб топишида турли хил қабилаларнинг иштирок этганлиги ва бир қабила бир пайтнинг ўзида бир неча туркий халқнинг шаклланишида иштирок этганлиги билан изоҳланади.

Масалан, В.Богородицкий ўз таснифида туркий тилларнинг географик тарқалиш хусусиятини асос қилиб, уларни 7 гуруҳга ажратади: Шимоли-шарқий (саха-ёқут, карагас ва тува тиллари); хакас (минтақадаги хакас аҳолининг шевалари); Олтой (олтой ва телеут тиллари, бир қанча лаҳжалар); Ғарбий Сибирь (Сибирь татарларининг барча лаҳжалари); Волгабўйи, Уралолди (татар ва бошқирд тиллари); Ўрта Осиё (ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари); Жанубий-ғарбий (туркман, озарбайжон, қўмиқ, гагауз, турк тиллари ва чуваш тили). Бу таснифда туркий халқлар ва тилларнинг тарихий аҳамияти ҳисобга олинмаган, қараим, нўғай каби тиллар эътибордан четдан қолган.



В.Радлов томонидан туркий тиллар қуйидагича таснифқилинган: Шарқий гуруҳ (Олтой, Обь, Енисей туркийлари ва Чулим татарларининг тил ва лаҳжалари, карагас, хакас, шор ва тува тиллари); Ғарбий гуруҳ (Ғарбий Сибирь халқлари лаҳжалари, қирғиз, қозоқ, бошқирд, татар ва қорақалпоқ тиллари); Ўрта Осиё гуруҳи (ўзбек ва уйғур тиллари); Жанубий гуруҳ (туркман, озарбайжон, турк, қрим-татар тиллари). Бу таснифга туркий тилларнинг фонетик хусусиятлари асос қилиб олинган бўлса-да, баъзи фонетик белгилар муайян бир гуруҳга эмас, бир неча гуруҳ тилларга хос эканлиги сезилади.

Бошқа таснифлар ҳам у ёки бу даражада камчиликларга эга. Таснифлар орасида туркий тилларнинг ҳам тил хусусиятларини, ҳам тарихий тараққиётини, ҳам генетик қариндошлигини атрофлича ҳисобга олган ҳамда туркий тилларнинг барчасини тўлиқ қамраб олган таснифН.Баскаков томонидан таклиф этилган ва у кўпчилик туркийшунослар томонидан тан олинган.

Туркий тиллар оиласи учун хос бўлган сингармонизм (ҳозирги ўзбек адабий тили бундан мустасно), сўз бошида ундошларнинг кетма-кет кела олмаслиги, ўзакнинг деярли ўзгармаслиги, гап бўлакларининг жойлашиш тартиби каби хусусиятлар уни бошқа тил оилаларидан фарқлаб туради. Туркий тилларни бир тил оиласига бирлаштирувчи ва бошқа тил оилаларидан фарқловчи хусусиятларидан бири луғат таркибининг бир-бирига жуда яқинлиги ва грамматик қурилишининг ўхшашлигидир. Шунинг учун ҳам чуваш ва ёқутлардан бошқа ҳамма туркий халқлар вакиллари ўз она тилларида гаплашганларида бир-бирини муайян даражада тушуна олади.

Туркий тиллар умумий генетик ва типологик белгиларга эга: фонетикада юқоридаги белгилардан ташқари, унли ва ундошлар оппозицияси мавжуд. Ҳозирги туркий тилларда унли ва ундош товушлар миқдори бир хил эмас. Унлилар миқдори баъзи (тува, гагауз, чулимтатар) тилларда 20 дан ортиқ бўлса, кўпчилигида 8 та (ҳозирги ўзбек адабий тилида 6 та). Ундош товушлар миқдорида эса бунчалик катта фарқ йўқ. Махсус адабиётларда ундошлар миқдори 20 дан кам кўрсатилмаганидек, 30 дан ортиқ ҳам қайд этилмайди. Баъзи туркий тилларда сўз бошида жарангсиз ундошлар (к, п, т) ишлатилса, бошқаларида айни ўринда жарангли ундошлар (г, б, д) қўлланади; сўз бошида сонор ундошлар (л, м, н, р) деярли учрамайди.

Энг қадимий туркий ёзма ёдгорликлар (Ўрхун-энасой ёзувида) VII — XI асрларга мансуб бўлиб, улар, асосан, қабртошлар тарзида Шимолий Монголия, Қирғизистон, Енисей дарёсининг юқори қисми, Талас водийсида ва бошқа жойларда топилган. Браҳми ва суғд ёзувларида битилган қадимги туркий ёдгорликлар ҳам учрайди (Шарқий Туркистон ва Туркистон). Кейинчалик туркий ёзув шарқда (Қашқар, Ўрта Осиё, Олтин Ўрда ҳудуди, Волгабўйида) ва ғарбда (салжуқийлар давлатида, Озарбайжон, Туркия ва бошқа ҳудудларда) ривожланди.

Хитойда яшовчи уйғурлар XI асрдан ҳозиргача араб алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланадилар. Қадимги ёзув анъаналарига эга бўлган туркий халқларнинг аксарияти (ўзбек, уйғур, турк, озарбайжон, туркман, татар, бошқирд каби) XX асрнинг 20-йилларигача араб алифбоси асосидаги ёзувга эга бўлган. Турк тили 1929 йилдан лотин алифбоси асосидаги ёзувга ўтган.

Собиқ СССРдаги барча туркий тиллар учун 20-йиллар ўрталарида лотин графикаси асосида алифболар ишлаб чиқилди ва улар 1930 йилгача ихтиёрий-мажбурий тарзда ана шу ёзувга ўтказилди; 1938 - 40 йилларда эса айни шу тартибда рус графикаси асосидаги ёзувга ўтказилди. СССР парчаланиб кетгандан кейин 1991 йилда Озарбайжон ва Туркманистонда, 1993 йилда Ўзбекистонда лотин ёзувига асосланган алифбо жорий этилди.

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ,
Исҳоқ НОСИРОВ.
(“Ўзбекистон тарихи” сайти).

ГЎЗАЛ ОЛАМ ЯРАТАЁТГАНЛАР

Бешариқ тумани ободонлаштириш бўлимида 100 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар ҳудудни обод масканга айлантириш йўлида меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 61 нафари туман марказидаги йўл четлари, Мустақиллик хиёбони атрофларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, мавсумий гуллар, манзарали дарахт кўчатлари экиб, кўрган кўз қувонадиган ҳолга келтириш билан банд.

Айни кунларда туман марказий истироҳат боғида ҳам яшил майдонлар барпо этиш ишлари авжида.

“Олам гўзал, ҳаёт гўзал, бироқ ҳаммасидан шу ҳаётни яратган инсон гўзал”, деб ёзган эди бетакрор шоира Саида Зуннунова. Гўзал олам яратиш ишқи билан яшаётган ободонлаштириш бўлими ходимларига раҳмат!

Турғунали ҲОШИМОВ.

Қува тумани, Юзия қишлоғида жойлашган Якка тартибдаги тадбиркор Абдубанноб Турсунбоевич Мамажонов номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



«Кусто ороли»да 10 кун



Муҳаммаджон ОБИДОВ

(Саргузашт-воқеий қисса)

“КУСТО ШОГИРДЛАРИГА МАКТУБ!

Сиз ҳаётингизни борлиқни шундайлигича ўрганишга бағишладингиз. Бунинг учун илм уммонидаги дуру гавҳарларни саралаб-саралаб кўп ўқидингиз. Ва бу тўғри йўл. Зеро, Оллоҳ таоло ҳам ўзининг пайғамбарига айтган биринчи сўзи “ўқи” эди. Сиз ана шу машаққатли йўлни танлаб, умр йўлингизни белгилабсиз. Устозингиз Кусто ҳам умр бўйи ўқиб-ўрганди. Илмга асосланмаган бирон қадам ташламади. Аммо охир оқибат у излаган ҳақиқат Оллоҳнинг каломида бажо қилинганини англаб етди. Ишончим комил, Сиз ҳам устозингиз каби бир кун келиб буни тушунасиз. Бу мактубда мен Сизнинг фаолиятингизга баҳо беришдан йироқман. Бунга қодир инсон Сиз каби олиму алломадир.

Кусто етолмаган бир манзил борки, у экваторда, 5°55`шимолий кенгликдан 9°50`шимолий кенгликкача, 79°41`шарқий узоқликдан 81°52`шарқий узоқликда жойлашган. Бу ҳақида Сиз унинг кундаликларида ўқигансиз, албатта. Яратганнинг инояти билан мен шу жуғрофик нуқтани топдим, оролда ибтидоий ҳаёт кечираётган инсонлар билан бирга яшаяпман. Бу ерда бизнинг замондан асар ҳам йўқ. Улар ўз дунёси, унинг қонун-қоидалари билан умр кечирдилар.

Аслида мени ҳайратга солган бу эмас. Улардаги меҳр, муҳаббат, оқибат, ишонч, ҳурмат, эҳтиром, эътиқод каби ғоят нозик, ноёб, бизнинг тараққиёт замонида камайиб бораётган тушунчалар қатъий ҳаёт меъёрига айланганини тасаввуримга сиғдира олмаяпман. Улар “бир майизни қирққа бўлиб” ейдилар. Бир кишининг юмуши – барчаники, деб қарайдилар. Ўз илоҳлари, сардорлари бор. Қабила бошлиғининг сўзи – барча итоат қилишга мажбур қонун! Гина, ғийбат, ҳасад деган тушунчани билишмайди. Ҳалол, қалби пок қўл меҳнати билан тирикчилик қиладиган ўз илоҳининг бандалари улар.

Устозингиз Кусто бу ҳаёт тарзини кўришга улгурмай оламдан ўтди. Шунинг учун, балки руҳи безовтадир. Мен бу ерда ҳали ҳеч нарсани билмаслигимга иқрор бўлдим. Оддий кузатувчи, воқеликлар баёнчиси эканман, холос. Сиздан, Кусто ҳурмати илтижо қилиб сўрайман, оролга келинг, илмий тадқиқот ва хулосаларни оламга ёйинг.

Бепоён океан ўртасидаги орол қачон, қандай пайдо бўлган? Унга ибтидоий ҳаёт кечирувчи одамлар қаердан келиб қолган? Юз, минг йиллар давомида бир-бири билан қовушса-да, нега ирсият инқирозга учрамай келяпти? Инсон туз истеъмол қилмасдан шунчалар узоқ вақт яшай олишининг сири нимада? Орол булоқлари қандай пайдо бўлган? Яланғочлик инсон ҳирсига қанчалар салбий таъсир кўрсатган? Ва яна, шунча савдо кемалари, сайёҳлар, ҳозирги замон “нурли тутқич” – радарлари нега оролни аввалроқ пайқамаганлар?.. Сон-саноқсиз саволлар дунё олимлари, аввало, Кусто шогирдларини кутмоқда. Қолаверса, аслида бу нафақат олим, балки замон одамларининг бурчи.

Яна бир гап. Ҳар бир ҳаракатни ороллликларнинг розилиги билан амалга оширинг. Унутманг, улар ҳам сизу биздек инсонлар. Устозингиз Кусто тирик бўлганида шундай қиларди.

Кусто руҳи сизни қўлласин!

Ҳурмат билан, Сарвар Обид.

Февраль, 2022 йил, “Кусто ороли”

* * *

– Ҳа-сан, Ҳа-сан! – Ҳусаннинг овозидан уйғониб кетдим. У ҳовликар эди. – Сардор келди, Сардор келди!

Мен дик этиб турдим. Арқонга ёйиб қўйилган кўйлагимни кийдиму, ташқарига чиқдим.

Чодиримизга Сардорнинг ўзи келган эди. Ҳусаннинг айтишича, Сардор мени ўз чодирига чорлаяпти. Мен миннатдорчилик маъносида икки қўлимни кўксимга босиб таъзим қилдим.

Сардор кулиб юборди ва бир нималар деб мени қучди. Шу лаҳза юрак қурғур ўртаниб кетди. Раҳматли отам талабалик чоғимда Тошкентга кетишимда шу каби меҳр билан бағрига босиб хайрлашар эди. Эҳ, дадама, дадам! Бизни намунча эрта ташлаб кетмасангиз? Тўрт ука, беш сингил билан отасиз қолганимда ўттиз беш ёшда эдим. Дунё кўзимга қоронғу кўринган, тақдир осмонида йилт этган чироқ қолмаганди...

Мен дарё қирғоғига бордим. Лим-лим оқаётган дарё ҳам бугун бу ерларни тарк этишимни билгандек сокин ва маъюсдек туюлди. Балиқларчи? Мен ов қилишга ўрганган зоғора балиқлар нақ қирғоққа келиб, мен билан ўйнашмоқчидек қанотларини лапанглатади.

– Хайр, дарёжон, – дедиму, унинг чуқур ҳавзасига шўнғидим. Сув роҳат бахш этарди.

Ҳасан мени етаклаб, Сардор чодирига олиб кетяпти-ю, қабиладагилар худди биринчи кун бу ерга келганимдаги каби менга қизиқсиниб қараб қолишар, баъзилар саломлашгандек қўл силтар, болалар эса ортимдан чуғурлашганча эргашар эди. Ҳа, оролда “ахборот хизмати” зўр ишлар экан. Бугун, сафаримнинг сўнгги куни, улар эса бу ҳақда билиб бўлишибди.

Сардор лутф билан кутиб олди. Биз бирга тановул қилдик. Энди мен нима таклиф қилишса еяверардим. Ҳусан тўнғиз гўшти емаслигимни, бу бизнинг эътиқодга зид эканини буларга тушунтирган. Шунинг учун Сардор билан ўтказган кечаларимиз, ҳозир ҳам, асосан ўтда тобланган балиқ ёки қовурилган қуш гўшти билан сийлардилар.

Қўл соатимни қўшни қабила маликасига совға қилганим учун вақт нечи бўлганини билмас эдим. Шундай бўлса-да, қуёш ҳали тиккаламагани учун хотиржамман. Гидроплан учувчиси тушга яқин келишини айтган. Океан соҳилигача икки соатли йўл. Демак, вақт бемалол. Буни Сардор ҳам билар экан.

Овқатланиб бўлгач, ташқарига чиқдик. Во ажаб. Худди кутиб олишганидек, қабила аъзолари давра тутганлар. Ўртада катта гулхан. Йигирма чоғли аёл ва эркак байрамларидагидек безанишган, бошларида тўтининг дум ва қанот патлари билан ойсимон қилиб ясалган сочтутқич, юзлари кўк, қизил ва оқ рангларга камалаксимон тартибда бўялган бўйиларида ёқут бўлса керак, турфа ранг тошлар шодаси осилган, қўлларида найза “гов”, “гов” дея олов атрофида турлича ҳаракатлар билан айланардилар.

Сардор чодир пешидаги соябон остига чўккалади. Мени ёнига таклиф қилди. Аввал раққослар, сўнг даврадагилар қўшилиб рақсга тушдилар, менимча қўшиқ ҳам айтдилар. Томоша сўнгида ҳалиги раққосларнинг ўзлари қўл тутишиб гулханга яқин келдилар, яна “гов”-“гов”лаб, сўнг баб-баравар қуёш томон қўл чўзишди. Бу ибодатни қуёш – худоларига бағишлов қисми деб тушундим.

Шу лаҳзада бутун қабила “лв-лв-лв”лай бошлашди. Ўрганмаган қулоқ қоматга келади. Лекин мен ўн кундан буён бундай табрик, илтифотга кўникиб қолгандим. Қандай қилиб ўрнимдан туриб уларга аралашиб кетганим, бирдек “лв-лв-лв”лаётганимни сезмай қолибман. Кейин кимдир келиб бошимдан ўрмон гулларидан бир саватини сочиб юборди. Майдонни ғоят хушбўй ҳид тутди. Бу ўша салқинда қуритиб чой қилиб ичганда, одамни сархуш қиладиган ўсимлик гуллари эди. Менимча бундай бўлишини Ҳусан ҳам кутмаган. У ёнимга келди-ю, мени қучоқлаб олди.

– Ҳа-сан ях-ши одам, Ҳасан қабила одам! – дерди.

Мен бир нарсани англадим. Бошдан ноёб ва қимматли ўсимлик гулини, қолаверса, бир саватини сочиш энг эъзозли инсон учун қилинадиган миллий-маҳаллий одат экан. Яна тахмин қилганим, бундай воқеа шахсан Сардорнинг хоҳиши ва буйруғи билангина амалга оширилади. Демак, улар учун мен... Э Оллоҳим, ўзинг мартабамни улуғ қилиб қўйганингга минг шукурлар бўлсин!

Кузатиш маросими якунига етди. Шунда мен қабиланинг ҳар бир аъзоси билан қучоқ тутиб хайрлашдим. Болаларни бағримга босдим. Ниҳоят, Сардор қаршисига келиб, биринчи бор кўрганимдек, чўк тушдим. У икки елкамдан тутиб, мени турғазди. Яна бағрига босди.

– Ҳа-сан яхши о-дам, – деди ҳижжалаб. Ҳамма гўё у нима деганини тушунгандек, яна “лв-лв-лв”лади.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида).

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

Турмуш чорраҳасида

Йўлда йиғлаб турган болажонга кўзим тушди.

– Ширинтой, нега йиғлаяпсан?

– Дадамни соғиндим.

– Даданг қаерда?

– У биз билан яшамайди, кетиб қолган. Бир мартаям келмади. Ойим “Даданг келса кўришмайсан”, деди...

– Шунга йиғлаяпман дегин.

– Йўқ, тоғам уришди мени, кўчага қочдим.

– Сени излаб юришгандир, хафа бўлма, уйга кир.

– Йўқ, ахтариб чиқмади, ҳув анави дарвоза. Тоғам мени ёмон кўради. Дадам келса айтиб бераман уни.

– Тоғанг сени яхши кўради, даданг албатта келади, уйингга кирақол, ширинтой, – дедим. Бола чопқиллаганча дарвоза томон кетаркан, тўхтаб менга умид билан қаради.

Бу воқеа тун бўйи мени безовта қилди. Болажоннинг ёш тўла кўзлари, дадасининг йўлига тикилган нигоҳи, тоғасидан ўпкалагани...



«ДАДАМНИ СОҒИНДИМ!»

Сўнгги пайтларда ажралишлар сонининг ортиб бораётгани сабабли неча минглаб гўдаклар тирик етим бўлиб қолмоқда. Яхши ниятда, орзу-умидлар билан бунёд этилган бахтиёр оилалар кўп ўтмай дарз кетмоқда. Рўзғор юки, етишмовчиликлар, кичик муаммолар чоғи ёшларда сабр, мулоҳаза йўқлигидан оғринади ёши улуғлар. Келин ва куёв кўп ҳолларда бир-бирини тушунишни истамайди, ўзбошимчалик, худбинлик бор ёшлар тарбиясида.

Қуйидаги рақамларга назар ташлаймиз.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат бўйлаб никоҳдан ажралишлар сони 22,5 минг нафарни ташкил этди.

Оила қуриш бир умрлик танловни бўйнига олишликдир. Ёшларнинг билмаганларига кўз юмиш ва ўргатиш зарур эмасмикан? Афсуски, баъзи оилаларда аёлнинг вазифаси уй-юмушлари-ю, қайнона-қайнотасига хизмат, эркак кишига эса молиявий жиҳатдан таъминловчи деб қаралади. Аёллар ҳам ўқиши, жамиятда ўз ўрнини топиши муҳим эмасми?

Айрим оилаларда ажримдан кейин ҳам можаролар тугамайди. Эр дарров уйланади, аёл собиқ эрига фарзанди билан учрашишни тақиқлайди, алиментни вақтида тўламаётгани учун яна югур-югур бошланади. Ота эса фарзанди учун ажратган маблағини беришни истамайди. Нега шундай, нима учун томонлар бир-бирига азоб бериш ҳақида ўйлайди? Хўп, бу ерда фарзандларнинг гуноҳи нима, шу оилада туғилганими? Улар ҳам бошқа ўртоқлари каби ота-онаси билан яшашни, эркаланишни, бир дастурхон атрофида ўтиришни исташади, орзу қилишади. Афсуски, кўплаб гўдакларнинг болалиги ота-она жанжали, йиғи-сиғи, ғийбату муросасизликлар орасида ўтиб кетяпти.

ЁШЛАРГА ЎРНАК БЎЛИНГ, КАТТАЛАР

Танганинг икки тарафи бўлганидек, мен йўлда учратган болакайнинг гапларига зид сўзларни сўзлаган қизалоқ ҳам бор. Унинг “Ойим билан дадам тезроқ ажрашса яхшийди” деб айтган гапини эшитдим-у, ҳайратда қолдим.

– Опа, дадангиз сизни урганми? – деди у суҳбатимиз чоғида.

– Йўқ, ҳеч қачон.

– Мени дадам кўп урганлар, фарзандлариман-ку, яна қиз боламан. Охирги йилларда кўп ичадиган ва ойим билан мени урадиган бўлиб қолдилар. Шу қадар қийин кунлар кўряпмиз-ки, онамга бувим, ҳатто ўзим ҳам “Дадам билан ажрашинг” деган кунларим бўлди.

– Ундай деманг, қайси ота ўз боласини ёмон кўради, баъзан жаҳли чиқса керак-да. Ҳамма оилада бўлади. Сиз дадангиздан хафа бўлманг, ҳеч қайси ота фарзандим ёмон бўлсин демайди.

– Ҳамма оталар ҳам қизини урмайди-ку...

Унинг бу гапи қулоғим остида ҳамон жаранглайди. Қизалоқнинг отаси маст ҳолда онасини хўрлаётгани, ураётгани ҳақида айтган гапини шунчаки қабул қилиб бўлмайди. Барчамиз яхши биламиз, спиртли ичимликлар инсонни хароб қилади. Бора-бора ҳатто фарзандлари орасида ҳам обрўсини йўқотади. Лекин жамиятимиздаги кўплаб эркаклар била туриб ҳам “оғу”дан воз кечмайдилар. Касрига гўдаклар қоляпти.

Тўғри, четдан туриб гапириш осон ҳам дерсиз. Лекин жамиятда оиланинг дарз кетиши билан боғлиқ воқеалар инсон дилини оғритиб юборяпти-ку! Ёшларга ўрнак бўлиш ўрнига катталар шундай иш тутаётган бўлса, биз кимдан ўрнак олайлик!

Гулшаной АЛИЖОНОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Ҳикоя

ЕНГИЛТАКЛИК АЗОБИ



Маъмура ўғли билан ёлғиз қолишдан чўчийди. Унинг наштардек санчиқ бергувчи саволларидан қўрқади. Бу саволлар аччиқ ўтмишини кўзига шундоқ тақаб қўядики, бу кўзгудан қочиб қутулиш қийин. Хатоларини юрагига қамайди. Енгил ўйларини, енгилтак-лик қилганини азоблар чўғига ташлаттириб қўяди.

Шу куни кичкинтойи дадаси билан узоқ қариндошиникига тўйга кетди. Бироз ўтиб акаси Рихситилла мактабидан келиб қолди. Укасининг кўринмаганлиги бир қувонтирса, бир талпинтирди. Қувонтиргани шуки, қулоғи тинч туради. Талпинтиргани шуки, усиз туролмайди. Яхши кўради. Ахир, укаси! Суриштирди.

– Укам боғчасидан келмадими?

– Келди, – деди Маъмура. – Даданг билан тўйга кетишди.

Рихситилланинг қоши ҳайрон камон бўлди.

– Қаёққа?

– Дадангнинг узоқ қариндоши тўй бераётган экан. Ўша ёққа!

Рихситилла, мен-чи, дегандек илтижоли тикилди. Тумтайиб қолмаслик учунми, кўзларини яширди. Маъмура буни пайқади.

– Даданг шошиб турган экан, сени кутолмади.

Рихситилланинг митти лаблари пирпиради. Йиғлаб юбормаслик учун юзини бурди. У дунёга келибдики, мана шу “даданг” сўзини ҳечам кўтаролмайди. Аллақандай санчиқ беради. Юрагини музлатади. Шу сўз билан юрагини ҳеч илитолмайди. Ўзини ноқулай сезади. Ҳатто “дада” сўзини тилга олишга қўрқади. Мажбурий сўздек туюлади. Юрагини эзади. Йўқ, бўлмади. Онаси билан ёлғиз қолгани далда бўлдими, бехос ёрилди.

– Аяжон, – деди синиқ товушда, – ўзимнинг дадам қаерда? Менга ўзимнинг дадамни топиб беринг! – Ортиқ чидолмади. Чидолмагани учун ҳам ўкраб юборди. – Топиб беринг, дадамни!..

Маъмура совуқ титраб кетди. Миясига алланималар тирноқ ботиргандек, оҳ тортиб юборди. Ўғлини қучганча бўзлаб юборди.

– Ундай дема, жон болам. Ундай дема!..

Рихситилла елкачаларида ҳамон осиғлиқ папкасини ечди-ю, дуч келган томонга улоқтирди.

– Йўқ! Менинг дадам бошқа, бошқа, билдингизми? Ўзимнинг дадам бўлганида тўйга олиб борарди, эркалатарди.

Маъмурада аллақандай куч пайдо бўлди. Боласининг шаштини қайтариш учунми, оғиз жуфтлади.

– Даданг ичкиликдан бўшамас эди...

Рихситилла уйни бошига кўтаргудек чирқиллади.

– Ана, Ҳошимжоннинг дадасиям ичади-ку! Олимжоннинг дадасиям шунақа-ку! Улар ҳар доим дадаси, онаси, укалари билан-ку! Нега энди мен дадам билан эмасман!

Маъмура ҳиқ–ҳиқ йиғлаганча, қўлини чайқади.

– Жон болам, буни катта бўлганингда тушуниб оласан. Қўй, мени қийнама, ўзи бусиз ҳам...

Рихситилла онасини қучиб олганча ув-ув тортди.

– Аяжон, жон аяжон, дадамларга кетайлик.

Умрида бирор марта бўлсин кўрмаган, билмаган дадасига талпиниши, соғинчи Маъмурани лол қолдирди. Шунинг баробарида онасининг, “Боланг отасини сўроқлаганида нима дейсан, қизим?” дегани ақл кўзини эндигина очгандек бўлди. Оҳ уриб юборди.

– Мени кечир, болажоним, мени кечир. Дадангга боролмаймиз. Йўл йўқ.

Рихситилла баттар чирқиллади. Митти кафтчаларида онасининг елкаларидан чангаллади.

– Нега, нима учун?..

Маъмура баҳона топди.

– Уканг ёлғиз қолади.

Рихситилла бирдан қўлчаларини бўшатди. Кўзлари катта-катта очилганча кетига тисарилди.

– Мен-чи, аяжон, мен ёлғиз эмасманми?..

Маъмура ўғлини тақдир шунчалар тез улғайтириб, тез мушоҳада қилишга шайлаб қўйганини энди уқиб етди. Уқиб етди-ю, ер муштлади. Бу ўғлининг раҳмини келтириш учунми, ё ўзининг аламларини муштлаётибдими, билиб бўлмади. Бироқ катталардек фикр қилаётган ўғлининг қаршисида ўзини ношуд сезди. Оғир бош эгди.

Рихситилланинг митти юракчасидан аламлар басма-басига тошиб келди.

– Мени ўзимни дадамга олиб боринг, аяжон. Мен ҳам ўртоқларимга ўхшаб ўзимнинг холаларим, аммаларим, амакиларим, тоғаларим бўлишини хоҳлайман. Мен ҳам ўзимнинг катталарим бўлишини истайман.

Маъмура гўё ўғлининг ўрнида ўзи, ўғли ўзини ёшидадек туйиб, соддалик қилди.

– Ана, бу дадангнинг қанча яқинлари бор. Аммаглар ҳам, тоғанглар ҳам, амаки-ю холанглар қанча!

– Йўқ! – деди Рихситилла ёшли кўзларини аламли қисиб. – Улар мени суймайди. Укамни ёқтиришади, холос. Ўзимнинг дадам бўлганида....

Маъмура катта хато қилганини юрак-юракдан эндигина ҳис қилди. Шу пайтгача ўша кўнгил қўйишиб, турмуш қурган эридан алам олгандек, шу билан хурсанд юргандек эди. Бироқ ўғлининг ўша, ўзининг дадасига талпиниб қолиши ва бу ўзини ногаҳонда оғир ўйларга кўмиб ташлашини билмаган экан.

Раҳматли отаси аввалида пинҳон аҳди билан Розиқжон акасига бош қўшишини истамаганди. Кўнгил ишини айб деб билган эди. Маъмура бу норизоликни отасининг тақводорлигидан деб билганди. Йил тўлиб-тўлмай, ажрим бошида турганлигини кўтаролмади. Боши очиқ қизини гўдаги билан тутиб турмади. Илк эшик қоққанга ўраб-чирмаб, узатиб юборди. Маъмура шу Ортиқ акасига узатилгач, Розиқ акасининг қадрига етди. Бироқ ҳамма-ҳаммасига кеч бўлган, пушмон ва пушаймон ўзининг қаттиқу қатъий сўзини айтиб улгурганди.

Маъмуранинг тушкун кайфиятини Рихситилланинг юракни юлувчи, хаёлни парчинловчи хитоби бўлди.

– Қочиб кетаман. Ўзимнинг дадамга кетаман.

– А?! Нима дединг? Менчи? – Маъмура боласига ёпишди. Маҳкам қучиб олганча ёлборди. – Ундоқ қилма, жон болажоним. Мен сен билан тирикман. Мени тушун. Нима қилай, айт. Ўзимни нима қилай?..

Маъмура шунда билди, шунда билди, кўнглини хира торттириб тургувчи хаёлларнинг сабабини. Бу рўзғоридан ҳам кўнгли тўлмаётган экан-да, демак. Йўқ-йўқ, энди ўзининг ҳаловатини эмас, дилбандларининг тақдирини ўйламаса бўлмайди. Енгилтакликни бас қилмаса бўлмайди. Шунда у билди, ўгайликнинг тоши оғирлигини. Болага жабр қилганини у шунда билди. Ич-ичи оғриб кетди. Бироқ боласининг ичи ўзидан ортиқ оғриб бораётганлигини, отасига бўлган талпиниши, соғинчи ошиб бораётганлигини, кутилмаганда ўт бўлиб ёниб қолишини ҳали билмас эди.

У шундан бери ўғлининг кўзига ботиниб қаролмайди. Қўрқади. Гўё ўғлининг кўзлари билан Розиқжон акаси қараб тургандай туюлади.

Маъмура ўғли билан ёлғиз қолишдан, унинг бодратиб саволлар ёғдиришидан чўчиб қолди. Унинг зорланишларидан қўрқиб қолди. Унинг кутилмаганда қочиб кетишидан хавотирга кўмилди. Ўзининг хатоси кўзларига тақалиб қолди.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 1563 нусхада чоп этилди. Буюртма: 624

Газета жума куни чиқади. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.

Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.

Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.30.

ISSN: 2010-8370